

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03.30.12.2019.К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЙДАРОВ ИСЛОМ НОРБОЙ ЎҒЛИ**

**ВЕРМИКУЛИТ, ФОСФОР САҚЛАГАН БИРИКМАЛАР АСОСИДА  
АНТИПИРЕН СУСПЕНЗИЯЛАРИНИ ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ  
КОЛЛОИД ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Хайдаров Ислом Норбой ўғли**

Вермикулит, фосфор сақлаган бирикмалар асосида антипирен  
суспензияларини олиш ва уларнинг коллоид хоссаларини ўрганиш..... 3

**Хайдаров Ислом Норбой угли**

Получение суспензионных антипиренов на основе вермикулита,  
фосфорсодержащих соединений и изучение их коллоидных свойств..... 23

**Khaydarov Islom Norboy son**

Preparation of suspension fire retardants based on vermiculite, phosphorus-  
containing compounds and study of their colloidal  
properties..... 43

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....46

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ,  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03.30.12.2019.К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЙДАРОВ ИСЛОМ НОРБОЙ ЎҒЛИ**

**ВЕРМИКУЛИТ, ФОСФОР САҚЛАГАН БИРИКМАЛАР АСОСИДА  
АНТИПИРЕН СУСПЕНЗИЯЛАРИНИ ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ  
КОЛЛОИД ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/K128 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ҳамда “Ziynet” Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Исмаилов Ровшан Исраилович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Акбаров Хамдам Икромович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Эшметов Иззат Дўсимбатович**  
техника фанлари доктори, профессор


**Етакчи ташкилот:**

**Қарши муҳандислик – иқтисодиёт  
институтини**

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институтининг ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.К/Т.66.02 рақамли Илмий кенгашининг «06» август 2021 йил соат «10<sup>00</sup>» да бўлиб ўтади (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси 7-уй. (тел: (0569) 228-76-71, факс (0569) 228-76-75, E-mail: [nic\\_info@edu.uz](mailto:nic_info@edu.uz)).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 015 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси 7-уй. (тел: (0569) 228-76-71, факс (0569) 228-76-75).

Диссертация автореферати 2021 йил «23» июль кунини тарқатилди.  
(2021 йил «23» июль № 2- рақамли реестр баённомаси)

**О.К.Эргашев**  
Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., доц.  
**Д.Ш.Шерқўзиев**  
Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доц.  
**И.Д.Эшметов**  
Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги вақтда дунёда дисперс системалар хоссаларини бошқариш коллоид кимёнинг муаммоларидан бири ҳисобланади ва шунинг асосида берилган параметрли материалларни яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Кўплаб саноат тармоқлари, шу жумладан металлургия, нефт газ, энергетика ва ёнғин хавфсизлик ходимларини оловбардош материалларини яратиш орқали хавфсизликни таъминлаш борасида махсус хоссали материалларни яратишга сабаб бўлади. Кўплаб корхоналарда целлюлоза сақлаган материалларни хоссаларини бошқаришга таалуқли, яъни иссиқликга, оловга бардошлигига, физик-механик ва эксплуатацион параметрларини яхшилаш катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунёда оловбардош материаллар учун антипирен олиш мақсадида композициялар олиш технологияларини яратиш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада антипиренларнинг сирт юзага сорбцион хусусиятлари, материалларга мустақкам боғаниши, бойитиш ва модификациялашнинг мақбул шартларини аниқлаш, самарали модификацияловчи реагентларни аниқлаш, материаллар юзасида турли моддаларнинг адсорбцияланиш механизмини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда хом ашёлардан унумли фойдаланиш ва улар асосида янги турдаги импортни ўрнини босадиган маҳсулотлар олиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги сабабли сезиларли натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишига кўра "юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш"<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу масалаларни амалга оширишда, хусусан маҳаллий хомашё сифатида вермикулит асосида антипиренларни олиш ва тўқимачилик саноатидаги махсус хосса берувчи материалларни ишлаб чиқариш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси" тўғрисидаги Фармони, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон "2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури" ҳамда 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон "Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон "Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестицион жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони.

хужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Илмий-тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII “Кимёвий технология ва нанотехнология” нинг устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунда материалларга махсус хоссаларни бериш учун дисперс системалар, яъни антипиренлар олиш каби вазифаларини ҳал қилиш, оловбардош материалларни олиш муаммолари, уларнинг физик-кимёвий, коллоид хоссаларини ўрганиш ҳамда оловбардошлигини яхшилаш бўйича Ma L., Su X., Feng J., Liu Y, Hanifi Binici, Abidi S., Rashad A.M., Dahiya J.B., Liang X., Zhu J., Wang Y., Horrocks A.R, Katovic D., Зубкова Н.С., Сабирзянова Р.Н., Балакин В.М., Борисов Р.Б., Зыбина О.А., Баратов А.Н., Фазуллина Р.Н., Константинова Н.Н., Ахтямов Р.Я., Аликин В.И., Бычкова Е.В. ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонда дисперс системаларни хоссаларини бошқариб антипиренларни ва уларнинг композицияларини олиш технологиялари тадқиқ қилинди, маълум маънода материалларнинг оловга чидамлилигини ошириш ҳамда уларни қўллаш соҳасини кенгайтиришда етакчи олимлардан Ахмедов К.С., Хамраев С.С., Агзамходжаев А.А., Асқаров М.А., Джалилов А.Т., Ахмедов У.К., Арипов П.А., Исмоилов И.И., Самиғов Н.А., Саримсақов А.А., Андронов В.И., Усманов М.Х. ва бошқалар унинг ривожига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Бир вақтда, турли мақсадлар учун маҳаллий хомашё базасига асосланган антипиренларни маҳаллийлаштириш ва Республиканинг турли ишлаб чиқариш тармоқларида улардан фойдаланиш борасида бир қатор илмий ишлар олиб борилмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ИОТ-2015-7-25 «Кўпфункционал хоссали импорт ўрнини эгалловчи полимер ва олигомерларни олишни янги технологиясини яратиш» мавзусидаги инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** вермикулит, фосфор сақлаган бирикмалар асосида антипирен суспензияларини олиш ва уларнинг коллоид хоссаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

маҳаллий хомашё асосида дисперс ўлчамларини бошқариш орқали антипирен суспензияларини олиш;

олинган антипирен суспензияларининг физик-кимёвий ва коллоид хоссаларини ўрганиш;

маҳаллий хомашё асосида антипирен суспензияларини олишнинг оптимал режимини танлаш;

целлюлозали материалларини шимдириш технологиясини ишлаб чиқиш ва уларга махсус хоссаларни бериш;

антипирен суспензиялари билан шимдирилган материалларни оловбардошлиги, тутун ҳосил бўлиши ва физик-механик хоссаларини текшириш;

ишлаб чиқилган технологиянинг тажриба-ишлаб чиқариш синови ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** Қорақалпоғистоннинг Тебинбулоқ кони вермикулити, фосфат кислота, натрий ишқори ва кўп атомли спиртлар, махсус хоссаларни бериш учун тўқимачилик материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** антипирен суспензияларини олишда вермикулит, фосфор сақлаган бирикмалар, нейтраллаш учун натрий ишқори, сув билан суюлтириб, кўп атомли спирт иштирокида борадиган жараён қонуниятлари, тўқимачилик материалларига оловбардошлик хоссаларини бериш учун ишлов бериш ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда кимёвий, физик-кимёвий, коллоид-кимёвий, ИҚ-спектроскопик, рентген-фаза таҳлиллар ҳамда сканерловчи электрон-микроскопик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

целлюлоза материалларига махсус хоссаларни бериш учун маҳаллий хомашё асосида фосфор, кремний сақлаган янги таркибли антипирен суспензияси олинган;

суспензияларини олишда уларнинг дисперс хоссаларини ўзгартирилиши билан антипиренларнинг хоссалари яхшиланиши натижада материалларнинг оловбардошлиги ошиши аниқланган;

маҳаллий хомашё асосида фосфор, кремний сақлаган антипиренлар суспензияси олишнинг оптимал шароитлари ишлаб чиқилган;

суспензиянинг физик-кимёвий ва коллоид хоссалари асосида суспензион антипиренларни тўқимачилик материалларига шимдириш учун қўлланиши мумкинлиги аниқланган;

тавсия этилаётган антипиренларни қўшиш материалларнинг тутун ҳосил қилиш коэффициент кўрсаткичини яхшилашга ва ёнувчанликни камайтиришга хизмат қилиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

диспергирлаш усули ёрдамида коллоид заррачалар ўлчамини бошқариш билан антипирен суспензияси олиш технологияси такомиллаштирилган;

янги ассортиментдаги оловбардош целлюлозали материаллар олиш технологияси яратилган;

махсус хоссаларни берувчи антипирен суспензиялари билан целлюлозали материалларни шимдиришнинг модернизациялаштирилган технологияси яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Илмий тадқиқотлар таҳлилнинг замонавий физик-кимёвий, коллоид-кимёвий ва физик-механик усулларидан фойдаланиб ўтказилди. Тажриба синовлари тўқимачилик

саноати корхоналари ва лабораторияларида ўтказилди ҳамда синов далолатномалари билан тасдиқланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти антипирен суспензияларининг вермикулит, ортофосфот кислотаси билан эритмасига ўюувчи натрий, сувли эритмасига кўп атомли спиртни қўшиш йўли физик-кимёвий таъсирини аниқлаш, дисперс системаларда эпиламларини ҳосил қилиниши билан целлюлозали материалларига махсус хоссаларни берувчи антипирен суспензияларининг коллоид хоссалари ва шимдириш механизмини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти антипирен суспензияларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва тўқимачилик материалларига шимдириб махсус хосса бериш, эксплуатация қилишда махсус хосса намоён қилувчи материал ишлаб чиқилади. Ушбу технология маҳаллий минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш, махсус якуний охорлаш йўли билан целлюлозали маҳсулотларни ва антипиренларни такомиллаштириш ҳамда турларини кўпайтиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Антипирен суспензиялари асосида оловбардош тўқимачилик материалларини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бўртирилган вермикулит асосида антипирен суспензияларини олиш технологияси «КАРМЕНТА ЯН ТЕКС» МЧЖ ҚҚда амалиётга жорий этилган (“O’ZTO’QIMACHILIKSANOAT” уюшмасининг 2021 йил 11 январь 04/18-201-сон маълумотнома). Натижада, турдош импорт асосидаги антипиренга нисбатан 2 баробар арзон антипирен ишлаб чиқариш имконини берган;

олинган антипирен суспензиялари билан целлюлозали материалларни шимдириб модификациялаш технологияси “BAYDOST” МЧЖда амалиётга жорий этилган (“O’ZTO’QIMACHILIKSANOAT” уюшмасининг 2021 йил 11 январь 04/18-201-сон маълумотнома). Натижада қўйилган талабларга тўлиқ мувофиқ келадиган экологик хавфсиз, оловбардош тўқувчилик материалларини олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 6 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги:** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилгани адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми адабиётлар рўйхати ва иловадан ташқари 100 бетни ташкил этган.



## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, предмети ва объекти, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига тадқиқот ишининг мувофиқлиги асосланган ва шакллантирилган. Илмий янгилиги аниқланди, тадқиқотнинг амалий натижалари баён қилинди ва олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очилди.

Диссертациянинг **“Материалларга оловбардошлик хоссаларини бериш учун антипирен суспензиялардан фойдаланишнинг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобида илмий-техник нашрлар ва патентли адабиётлар бўйича антипирен суспензияларни олиш технологиясининг целлюлозали материалларга махсус хоссаларни бериш учун шимдиришнинг назарий ва экспериментал тадқиқотлари ўтказилди. Ушбу муаммоларни танқидий таҳлили асосида диссертация тадқиқотининг мақсад ва вазифалари шакллантирилди.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объектларини тавсифи ва тажрибаларни бажариш усуллари”** деб номланган иккинчи бобида кимёвий моддаларни тозалаш, вермикулит асосидаги маҳаллий хомашё дисперслигини бошқариш, антипирен суспензияларини оптимал параметрларини аниқлаш ва олиш, уларнинг физик-кимёвий, коллоид-кимёвий хоссалари, хусусан, дисперсион барқарорлиги, фазалар ўзгариши даражаси, антипирен суспензияларидаги сув ва суспензиянинг миқдорини аниқлаш усуллари тақдим этилган.


Диссертация ишида целлюлозали материалларда антипиренлар сифатида суспензиядан фойдаланишдаги суспензиянинг кимёвий таркиби, физик-кимёвий ва коллоид-кимёвий хоссалари, тутун ҳосил бўлиши, оловбардошлигини аниқлашга имкон берадиган классик ва замонавий усуллар мажмуасидан фойдаланилган.

Тадқиқот ишининг учинчи боби **“Фосфор сақлаган бирикмалар, вермикулит асосидаги антипирен суспензияларни ишлаб чиқиш ва уларни олиш технологияси”** деб номланиб, химоя қилинаётган сиртнинг қиздирилиши тезлигини максимал камайтириш, бунда маълум вақт мобайнида уларнинг мустаҳкамлик тавсифини сақлаш каби барча материалларнинг оловдан химоялаш усуллари ўрганишга бағишланган. Ушбу мақсадда целлюлозали материалларга ишлов бериш учун суспензион антипиренлар олиш учун вермикулит минерали ва фосфор сақлаган бирикмалар ўрганилди. Вермикулит гидрослюд гуруҳининг фойдали қазилмаларига тегишли қимматбаҳо табиий минералдир. Амалиётда вермикулитнинг муҳим ва ўзига хос хусусиятларидан бири унинг бўртирилишида ҳажм бўйича катталашиши ва енгил иссиқликдан изоляция қилувчи материалга айланиш қобилиятидир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бўртирилган вермикулит билан ишлов беришда оловбардошлилик ўлчам ва гранулалар ориентацияси, уларнинг

намлиги ҳамда ҳароратига боғлиқдир. Материалнинг бир хил зичлиги шароитида гранула ўлчами катталашини билан иссиқлик ўтказувчанлигининг сезиларли ошиши кузатилади. Бу боғлиқликни акс этирувчи оғиш бурчаги тўғри, майда ўлчамли материалга қараганда йирик ўлчамли материалда конвектив иссиқлик алмашиш кўпроқ бўлганлиги учун ҳарорат ошиши билан катталашади.

Тўқимачилик материалларига оловбардошлилик хоссасини бериш учун Тебинбулоқ кони вермикулит қатори слюдли минералларининг тузилмавий хусусиятларини ўргандик, вермикулитнинг ажратилган минералларида ИҚ-стероскопия усули билан ўтказдик. Бу алоҳида минераллар-биотит, гидробиотит ва вермикулитнинг ИҚ-спектрини олишда улар ташқи кўриниши бўйича ўхшаш, гидробиотит эса вермикулитли аралашманинг асосий қисмини ташкил этади. 1-расмда Тебинбулоқ кони вермикулит минералини ИҚ-спектрида ютилиши кўрсатилган.



**1-расм. Вермикулит руда слюдали минералларининг ИҚ- спектр ютилишлари:** 1- дастлабки руда; 2-200; 3-400; 4-600; 5-950-да куйдирилган руда.

1-жадвал.

**Маҳаллий хомашё асосидаги вермикулитли жинс минераллари лаборатория шароитида ажратилган намунанинг кимёвий таркиби**

Минерал	Массадаги оксидлар таркиби, %						сумма
	SiO <sub>2</sub>	TiO <sub>2</sub>	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	MgO	MnO	
Вермикулит	34,83	0,09	13,52	8,96	16,71	Сл	100,01
	CaO	Na <sub>2</sub> O	K <sub>2</sub> O	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	SO <sub>3</sub>	H <sub>2</sub> O (умум.)	
	8,43	2,52	0,6	0,02	сл	14,33	

1-расмда дастлабки минералнинг ИҚ- спектрида гидробиотит кристаллининг триоктаэдр соҳасидаги ОН гидрооксид гуруҳи тебраниши учун хос бўлган 3390 см<sup>-1</sup> соҳасидаги ютишнинг интенсив чизиғи цеолит

суви мавжудлигини тасдиқлайди, бу ютиш спектр чизиғи паст частотали соҳага сурилган. Ушбу кимёвий ва рентгенографик маълумотларни таққослашдан (1-жадвал) Тебинбулоқ кони гидробиотити минералида 16,66%-алюминий оксиди, 9,64% -темир оксиди, 16,78%- магний оксиди, 1,82%-кальций оксиди, калий ва натрий ишқорли металлари оксидлари шунга мувофиқ - 5,54 ва 1,72% ни ташкил этади. Демак, гидробиотит кристалли панжараси бир-бирини изоморф алмаштирадиган  $Mg^{+2}$ ,  $Ca^{+2}$ ,  $Na^{+}$  катионларидан иборат.

Тадқиқот ишида вермикулит ва ортофосфат кислота асосидаги антипирен суспензиясидан фойдаланилди. Танланган кимёвий модда таркибида вермикулит ва фосфор сақлаган бирикмалар мавжудлиги материалларга оловбардошликни беради, пластификатор сифатидаги уч атомли спирт қўшилиши материалнинг сифат кўрсаткичлари сақланиб қолишини таъминлайди.

Дастлабки экспериментал тадқиқотлар шуни кўрсатдики, вермикулит ва ортофосфат кислота асосидаги антипирен суспензиясининг 12 % сувли эритмасининг нисбий қовушқоқлиги антипирен суспензияли сувли эритмасини ишлатиш учун сезиларли қийинчиликларни юзага келтиради, бунда материал қаттиқ бўлиб қолади. Шунинг учун биз ўз тадқиқотларимизда 6,0-10,0% аралашмали антипирен суспензия эритмаларидан фойдаландик. Вермикулит ва ортофосфат кислота асосидаги антипирен суспензияларининг сувли эритмасининг глицерин миқдorigа боғлиқ физик-кимёвий хусусияти тадқиқ қилинди (2-жадвал).

2-жадвал маълумотларида суспензиядаги глицерин миқдори ошиши билан эритма қовушқоқлиги ошади, эритманинг сирт таранглиги ва электр ўтказувчанлик қиймати камаяди, бу антипирен суспензияси билан целлюлозали материалларни шимдиришдаги ишлов бериш жараёнига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Физик-кимёвий таҳлиллар асосида суспензиядаги глицериннинг оптимал миқдори 12% ҳисобланади.

2-жадвал.

**Вермикулит ва ортофосфат кислота асосидаги антипирен суспензиянинг сувли эритмаларининг физик-кимёвий хоссаларига глицерин миқдорининг таъсири**

Суспензия таркиби масс. %		Қовушқоқ лик, кг/см·сек	Сирт таранглик, Н/м	Зич лик, г/см <sup>3</sup>	Электр ўтказувчан лик, мк·См/м
глицерин	сув				
4	38	3,84	59,90	1,175	0,21
8	34	4,26	56,58	1,194	0,25
<b>12</b>	<b>30</b>	<b>5,33</b>	<b>52,33</b>	<b>1,240</b>	<b>0,28</b>
16	26	5,68	49,71	1,287	0,29
18	24	5,95	47,01	1,326	0,32
22	20	6,23	45,19	1,369	0,35
28	14	6,94	43,93	1,435	0,40

Ушбу тадқиқотлар асосида юқоридаги кўрсатилган таркибда сув билан глицерин биргаликда вермикулит ва ортофосфат кислота асосида антипирен суспензияси эритмалари билан целлюлозали материалларни шимдириш бўйича экспериментлар ўтказилди (3-жадвал).

3-жадвал.

**Вермикулит ва ортофосфат кислота асосидаги АС сувли  
аралашмаларининг физик-кимёвий кўрсаткичларига суспензия  
миқдори таъсири (глицерин - 12,0 масс %)**

Суспензия таркиби масс.%		Қовушқоқ лик, кг/см·сек	Сирт таранглик, Н/м	Зичлик, г/см <sup>3</sup>	Электр ўзтаказув чанлик, мк·См/м
Вермикулит	Сув				
2	36	3,29	59,9	1,150	0,25
4	34	3,36	55,24	1,172	0,30
6	32	3,42	53,61	1,208	0,34
<b>8</b>	<b>30</b>	<b>3,46</b>	<b>49,71</b>	<b>1,240</b>	<b>0,36</b>
10	28	3,51	47,01	1,340	0,38
12	26	3,54	44,93	1,370	0,41

Қатор экспериментлар ўтказиб антипирен суспензияси таркиби танланди ва қуйидаги нисбатда (масс, %) таркибий қисмларнинг оптимал миқдори танлаб олинди: ортофосфат кислота - 22, ўювчи натрий – 28; кўп атомли спирт – глицерин – 12,0; сув– 30,10.


3-жадвал маълумотларига мувофиқ ишлаб чиқилган антипирен суспензиясини тўқимачилик материалнинг бутун ҳажм бўйича антипирен суспензиянинг шимдирилишида қалинлиги ва бир хил қопланиши таклиф қилинди. Бунда мавжуд технологик режим ва ишлаб чиқариш жиҳозлари ўзгармайди. Шундай қилиб, целлюлозали материални шимдириш материал ўтадиган ванна ёрдамида ва вал орқали термик ишлов бериб ўтказиш билан ишлаб чиқилади.

Тадқиқот ишида Thermo Scientific Nicolet iS50 FT-IR Spectrometer қурилмасидан фойдаланиб инфрақизил спектрал натижалари таҳлиллари ўтказилди. Кузатиш натижалари расмлар билан тасдиқланиб, қисқа муддатли ишлов беришдан кейин вермикулитнинг олинган намуналари вермикулит + ортофосфат кислота + глицерин + ўювчи натрий + сув дастлабки вермикулит билан қиёслаганда сезиларли ўзгаришларга учрамаслиги кўрсатилади.

Частоталар интенсивлиги ошиши ва кичик частоталар томонига қўчиши ҳамда материаллар учун уларга иссиқлик ва оловбардошлик хусусиятини берадиган антипирен суспензиясини олишда фойдаланиладиган вермикулит минералининг қисқа муддатли ишлов берилишида олинган намуналарда кучли кимёвий боғланишлар йўқлигини кўрсатувчи спектрда унча катта бўлмаган ўзгариш ҳақида далолат берадиган янги пиклар вужудга келиши кузатилади.


Дастлабки вермикулитнинг ИҚ-спектрида ( 2-расм) 3401,32 ОН, 1645,43 ОН, 1429,72 Fe иони, 949,70 Si-O, 665,10 Me-O-Si (Fe, Al, Mg), 421,44 Si-O-Mg<sup>2+</sup>, 417,59 Si-O-Ca-ОН, 413,38, 409,83, 405,82 см<sup>-1</sup> Me-O да сув тузилмаси билан боғланган сезиларли миқдори камроқ мустаҳкам ва гидроксид гуруҳлардан ташкил топган, қатламли силикатга мувофиқ ютилиш чизиклари аниқланди. ОН билан боғлиқ валентли ва деформацион тебраниш частоталари парчаланиши бирикишнинг турли даражасидаги Н<sub>2</sub>О мавжудлиги билан белгиланади.

2-расмда Тебинбулоқ кони вермикулитининг ИҚ-спектроскопик маълумотлари кўрсатилган.




**2-расм. Тебинбулоқ кони вермикулити ИҚ-спектри**

3-расмда ортофосфат кислота билан ишлов берилган Тебинбулоқ кони вермикулити ИҚ-спектроскопик маълумотлари берилган.




**3-расм. Ортофосфат кислотали вермикулитнинг ИҚ-спектри**

4-расмда кўп атомли спирт қўшиб, ортофосфат кислота билан ишлов берилган Тебинбулоқ кони вермикулити ИҚ-спектроскопик маълумотлари берилган.



**4-расм. Глицерин кўшиш орқали ортофосфат кислотада эритилган вермикулитнинг ИҚ-спектри**

5-расмда муҳитни нейтраллаш учун ўювчи натрий ва кўп атомли спиртни кўшиб ортофосфат кислота билан ишлов берилган Тебинбулоқ кони вермикулитининг ИҚ-спектроскопик маълумотлари берилган.




**5-расм. Ўювчи натрий билан нейтралланган ва глицерин кўшиб, ортофосфат кислотада эритилган вермикулитнинг ИҚ-спектри**

6-расмда муҳитни нейтраллаш учун ўювчи натрий ва кўп атомли спиртни кўшиб, ортофосфат кислота билан ишлов берилган Тебинбулоқ кони вермикулитининг ИҚ-спектроскопик маълумотлари берилган. Олинган композицияга сув кўшилади ва махсус хоссаларни бериш учун материалларга антипирен суспензиясининг янги таркиби билан ишлов берилади.

Дастлабки вермикулит ва унинг ўювчи натрий ва фосфат кислотаси, глицерин ва сув билан модификацияланган маҳсулотларининг спектр тадқиқотлари натижалари таҳлили барча ҳолатларда аквамолекулалар, кремний, алюминий, темир, магний, кальций ҳамда компонентлар кўшилган металллар гидроксидлари билан боғлиқ ўзаро таъсир ҳисобига вермикулит тавсифий частотаси ўзгарганлигини кўрсатди. ИҚ-спектрада ўзгаришлар

мавжудлиги кўшилган реагентлар ва вермикулитнинг комплекс бирикмалари ҳосил бўлишидан далолат беради.




**б-расм. Антипирен суспензиясини олиш учун сув билан аралаштирилган ва ўювчи натрий билан нейтралланган, глицерин қўшиб ортофосфат кислотада эритилган вермикулитнинг ИҚ-спектри**

Вермикулитнинг ИҚ-спектрида олинган намунаси вермикулит + ортофосфат кислота + глицерин + ўювчи натрий + сув кўринишида қисқа муддатли ишлов беришдан сўнг дастлабки вермикулит билан қиёслаганда ўзгариш сезилмайди. Частоталар интенсивлиги ошиши  $1642\text{ см}^{-1}$  дан  $1733\text{ см}^{-1}$  ва  $1725\text{ см}^{-1}$  ва  $3459\text{ см}^{-1}$  дан  $3589\text{ см}^{-1}$  га ва  $3576\text{ см}^{-1}$ , кичик частоталар томонига кўчиши ҳамда  $1298\text{ см}^{-1}$  янги пики пайдо бўлиши кузатилади. Спектрдаги бу унча катта бўлмаган ўзгаришлар вермикулит минералининг қисқа муддатли ишлов берилишида олинган намуналарнинг кучли кимёвий боғланишлар йўқлигини кўрсатади.

XRD-6100 (Shimadzu, Japan) аппаратида бошланғич вермикулитнинг ва ишлов берилгандан кейинги ҳолат рентген фазали таҳлили ўтказилди ва 7-расмда кўрсатилган.

7-расмда 10 Åдан 70 Åгача чегаравий нисбатларда модификацияланган вермикулит (антипирен суспензияси) ва вермикулитнинг рентген фазавий таҳлили берилган.

7-расмда рентген фазавий таҳлил шуни кўрсатдики, модифицирланган вермикулит билан қиёслаганда  $16,7\text{ Å}$  ва  $22,8\text{ Å}$  икки янги чўққи ҳосил бўлди,  $25,3\text{ Å}$  ва  $44,7\text{ Å}$  эса йўқолди.  $32,3\text{ Å}$  реакция чўққисида вермикулитда боғланишлар ҳосил бўлиши натижасида юқори энергиялар томонига  $33,1\text{ Å}$  да сурилиши аниқланди. Вермикулит модификация қилинган ва фаоллаштирилгандан кейин вермикулитнинг баъзи темир оксидлари  $28,3\text{ Å}$  ва  $65,6\text{ Å}$  га камаяди,  $\text{SiO}_2$  нинг интенсивлиги ва бошқа оксидлар интенсивлиги  $26,7\text{ Å}$ ,  $24,34\text{ Å}$  ва  $48,5\text{ Å}$  га ошади. Чўққига хосларининг бошқа ҳаммаси рентген фазали таҳлилда деярли ўзгармади.



**7-расм. Дастлабки ва модификацияланган вермикулитнинг рентгенограмма таҳлили.**

Тадқиқот ишида шунингдек тўқимачилик материалларининг оловбардошлилигини ошириш учун антипиренларни қўллаш кўриб чиқилади. Тўқимачилик материали шимдиришдан олдин ювилади, бу кенг чегараларда материал сирти хусусиятини ўзгартиришга имкон беради, тўқимачилик материалининг гидрофил хоссаларини яхшилайти, матонинг хўлланишини оширади, эритмани янада самарали ва тенг меъёрада шимилишига олиб келади. Ишлов берилган целлюлоза материаллари намуналари дастлабки ва модификацияланган целлюлозали материалларнинг иссиқлик даражасининг қиёсий синови ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси ФВВ илмий-тадқиқот лабораториясига берилган. Шундай қилиб, антипирен суспензияси билан ишлов берилган тўқимачилик материаллари намуналари “Оловбардошлиликни аниқлаш методлари” ГОСТ 28157-89 бўйича аланга тарқалиши тезлигини аниқлаш бўйича лаборатория қурилмасида синалган. 4-жадвалда целлюлозали материалларининг оловбардош намуналарининг асосий термик параметрлари берилган.

Аланга ҳосил қилиш учун 80 дан 100 мм гача узунликда ва ички диаметри 9,4 дан 11,0 мм гача бўлган патрубкали Бунзен универсал горелкадан фойдаланилади. Намуналар лаборатория штативига тикка ёки кўндаланг ҳолатда қисқичлар билан маҳкамланади. Горелка алангаси синовини ўтказишда намуна охирининг пастки кромкасига табиий газ узатилади ва ундан фойдаланилади.

Горелка патрубканиннг марказий ўқи ва намунанинг кўндаланг ўқи вертикал текисликда жойлашади. Алангани горелка ҳолатини ўзгартирмасдан маълум вақтга олиб келинадик, торец намунаси 6,5 мм чуқурликда аланга билан юкланади, сўнг ундан ўчирилади. Ушбу материалнинг ёнишга чидамлигининг юқори даражасини аниқлаш учун намунанинг охиридан марказгача 5 сек. давомда аланга берилади. Сўнг горелкани намунадан 150 мм дан кам бўлмаган масофага узоқлаштирилади ва намунанинг ёниш вақти рўйхатга олинади. Кейинги босқичда олов ёниши ва ўчиш вақти ишлов берилган намуналарда аниқланади.



**Антипиренлар шимдирилган тўқимачилик материаллари  
намуналарининг синови натижалари**

№ Нам.	Ёнгунча бўлган масса намунаси m <sub>0</sub> , г			Ёнгандан кейинги Масса намунаси m <sub>0</sub> , г			Аланга тарқалиши тез лиги и ги, υ, мм/мин			Ёниш вақти t, сек		
	Ҳар бир нам.	Ўрт. кат-к	Барча нам. ўрт. кат.	Ҳар бир нам.	Ўрт. кат-к	Барча нам. ўрт. кат.	Ҳар бир нам.	Ўрт. кат-к	Барча нам. ўрт. кат.	Ҳар бир нам.	Ўрт. кат-к	Барча нам. ўрт. кат.
Аса	0,89	0,92	1,16	0,69	0,7	0,94	48,5	51,48	44,45	70	71,4	61,35
АС.1а	0,95			0,72			49,1			69		
АС.2а	0,99			0,75			51,5			72		
АС.3а	0,85			0,66			53,1			75		
АС.4а	0,90			0,68			55,2			71		
АСб	1,175	1,17		0,907	0,91		55	53,14		71	72	
АС.1б	1,205			0,993			48,30			73		
АС.2б	1,157			0,876			53,77			72		
АС.3б	1,163			0,883			57,36			75		
АС.4б	1,173			0,905			51,25			69		
АС1а	1,157	1,16		0,976	0,99		42,14	42,68		54	56,8	
АС1.1а	1,163			1,001			45,68			60		
АС1.2а	1,182			1,010			40,93			55		
АС1.3а	1,156			0,898			41,08			56		
АС1.4а	1,212			1,110			43,56			59		
АС1б	1,173	1,19		1,012	1,03		46,72	44,73		58	58,6	
АС1.1б	1,205			1,086			44,33			53		
АС1.2б	1,264			1,024			47,01			62		
АС1.3б	1,182			1,001			42,57			61		
АС1.4б	1,163			1,048			43,03			59		
АС2а	1,205	1,17		1,143	1,103		29,92	30,23		45	44	
АС2.1а	1,109			1,120			30,36			51		
АС2.2а	1,117			1,015			32,67			49		
АС2.3а	1,203			1,130			29,76			40		
АС2.4а	1,197			1,107			28,43			35		
АС2б	1,150	1,16		1,077	1,07		31,75	31,56		50	46,2	
АС2.1б	1,123			1,018			30,35			45		
АС2.2б	1,212			1,123			32,19			49		
АС2.3б	1,182			1,067			34,17			43		
АС2.4б	1,156			1,086			29,33			44		
АС3а	1,264	1,25		0,952	0,91		48,75	50,56		70	69,4	
АС3.1а	1,215			0,836			50,35			65		
АС3.2а	1,253			0,911			51,19			72		
АС3.3а	1,257			0,889			47,17			69		
АС3.4а	1,273			0,988			55,33			71		
АС3б	1,322	1,27		1,020	0,80		51,92	51,23		65	72,4	
АС3.1б	1,287			1,002			50,36			76		
АС3.2б	1,274			0,001			53,67			82		
АС3.3б	1,228			0,995			49,76			75		
АС3.4б	1,253			1,023			50,43			64		

Газмолларнинг ўтдан ҳимоялаш хусусиятини ҳисобга олган мажмуавий тадқиқотлари ўтказилиши натижасида оловбардошли материални тайёрлаш

учун “тўқимачилик материали-антипиренли суспензия” оптимал нисбатда мақсадга мувофиқ фойдаланиш аниқланди. Қуйида материалларга оловбардошлилик хоссасини бериш учун таркибида вермикулит ва фосфор бўлган ишлов берилган антипирен суспензияси, намуналар учун ГОСТ 12.1.044-89 “Материаллар ва моддаларнинг тутун ҳосил қилиш коэффициентини аниқлаш” бўйича қурилмада тутун ҳосил қилиш тадқиқоти кўрсатилган (5-жадвал).

5-жадвал.


**Материаллар ва моддаларнинг тутун ҳосил қилиши коэффициенти**

№ нам.	Намуна.	Нам. массаси., m(гр).		Еруғлик ўтказиши, %		Тутун ҳосил бўлиши давомийлиги (мин.)	Ҳар бир намунанинг тутун ҳосил қилиши коэффициенти, $D_m$ , (м <sup>2</sup> /кг)
		Тажрибада н аввал	Тажриба дан кейинги	Бошланғич $T_0$	Охириги $T_{min}$		
АСа	a(1 <sup>1</sup> )	1,368	1,097	3,9	2,8	19	155,02
	a(2 <sup>1</sup> )	1,267	1,082	3,5	2,3	21	204,5
	a(3 <sup>1</sup> )	1,274	1,096	3,4	2,4	21	198,26
АСб	б(1 <sup>1</sup> )	1,226	0,984	3,9	2,9	20	154,66
	б(2 <sup>1</sup> )	1,265	1,064	3,5	2,1	23	208,6
	б(3 <sup>1</sup> )	1,321	1,167	3,0	1,9	22	213,2
АС1а	1а(1 <sup>1</sup> )	1,017	0,864	3,7	3,1	22	113,4
	1а(2 <sup>1</sup> )	1,095	1,013	3,6	3,0	24	106,4
	1а(3 <sup>1</sup> )	1,298	1,010	3,8	3,1	20	99,92
АС1б	1б(1 <sup>1</sup> )	1,017	0,864	3,7	3,1	22	113,4
	1б(2 <sup>1</sup> )	1,226	0,984	3,9	2,9	20	154,66
	1б(3 <sup>1</sup> )	1,017	0,864	3,7	3,1	22	113,4
АС2а	2а(1 <sup>1</sup> )	1,080	0,894	3,6	3,1	22	88,61
	2а(2 <sup>1</sup> )	1,272	0,986	3,7	3,1	23	89,02
	2а(3 <sup>1</sup> )	1,242	0,898	3,7	3,2	22	89,80
АС2б	2б(1 <sup>1</sup> )	1,100	0,870	3,8	3,2	19	99,98
	2б(2 <sup>1</sup> )	1,274	0,966	3,9	3,2	20	99,38
	2б(3 <sup>1</sup> )	1,298	1,010	3,8	3,1	20	99,92
АС3а	3а(1 <sup>1</sup> )	1,427	1,156	3,5	1,9	23	213,2
	3а(2 <sup>1</sup> )	1,493	1,176	3,6	1,8	22	218,0
	3а(3 <sup>1</sup> )	1,456	1,160	3,5	2,3	23	227,4
АС3б	3б(1 <sup>1</sup> )	1,493	1,215	3,4	2,2	20	217,02
	3б(2 <sup>1</sup> )	1,476	1,236	3,4	2,0	21	231,5
	3б(3 <sup>1</sup> )	1,478	1,195	3,5	1,6	22	237,9


Тажрибалар 40 x 40 x1 мм ўлчамли намуналарда ўтказилди (U=200 В).

**“Суспензияли антипиренлар билан ишлов берилган тўқимачилик материалларининг морфологик, амалий, иссиқлик ва оловбардошлилиги ва тутун ҳосил қилишини тадқиқ қилиш”** деб номланган тўртинчи боби SEM - EVO MA 10 (Zeiss, Germany) сканерловчи электрон микроскопидан фойдаланиб намуна сиртининг морфологик тадқиқи ёрдамида ўтказилган электрон-микроскопи тадқиқотига бағишланган.

Ўтказилган тадқиқотлар ёрдамида дастлабки ва модификацияланган целлюлозали материалларнинг сканерловчи электрон-микроскопли расмлари билан целлюлоза материаллари тузилмасига ишлов бериш усулининг таъсири ҳақидаги масалалари ечилди. Юзада целлюлоза материаллари учун хос бўлган толада жойлашган бурма қаватлар кўринади. Баъзан, целлюлоза материалларни ювгандан кейин киришиши натижасида пайдо бўлган кўндаланг бурмалар кузатилади. Қопланишинг яхши даражаси билан кўпроқ бир хил тақсимлаш антипирен сусаензияси 8% ли эритмаси билан целлюлоза материаллини қайта ишлашни беради (10-12 расм).




1




2

**10-расм. Целлюлозали материалларининг сканерловчи электрон-микроскопик расмлари (200 мкм): 1-дастлабки; 2-антипирен суспензиялари билан шимдирилгандан кейин**



1




2


**11-расм Целлюлозали материалларининг сканерловчи электрон-микроскопик расмлари (100 мкм): 1- дастлабки; 2- антипирен суспензиялари билан шимдирилгандан кейин**

Шуни таъкидлаш керакки, материалга оловбардошлик бериш учун ишда глицерин ва антипирен суспензиялари целлюлоза асосида тўқимачилик материалларини шимдириш учун қўлланган. Суспензия таркибида вермикулит, глицерин ва фосфор сақлаган бирикмалар бор деган тахминдан келиб чиқиб, тола сирти шикастланиши даражасини камайтириш ҳамда толалар орасида кучни оширишга ёрдам беради. Глицерин бир томондан намликни сақлашга ёрдам берса, бошқа томондан толалар учун яхши

пластификатор ва целлюлозали тўқимачилик материаллари макромолекулаларига қўшимча эластик хусусиятлар ҳосил бўлишини беради.



1



2

**12-расм. Целлюлозали материалларнинг сканерловчи электрон-микроскопик расмлари (20 мкм): 1-дастлабки; 2- антипирен суспензиялари билан шимдирилгандан кейин**

Адсорбция, сирти диффузия жараёни ва эритманинг буғланиши натижасида эритмага киритиш шароитга қараб модданинг мономер катлами пайдо бўлади. Ҳосил бўлган қатлам тола юзида хемосорбцияланади. Самарали адсорбцион табиатга эга бўлади ва целлюлоза материал тузилмаси нуқсонлари ва антипирен суспензиялари молекулалари кириши билан қаттиқ жисм эркин сирти энергияси пасайиши билан белгиланади. Дастлабки экспериментал тадқиқотлар тўқимачилик материалларини шимдиришда антипирен суспензияларининг 8 % ли сувли эритмаси ижобий натижалар беришини кўрсатди. Физик-механик синовнинг маълумотлари 6-жадвалда кўрсатилган.

6-жадвал.

**Антипирен суспензиялари билан шимдирилган тўқимачилик материалларининг физик-механик кўрсаткичлари**

Тўқимачилик материаллари	Сирт зичлиги, г/м <sup>2</sup>	Ишқаланишга чидамлилиқ, даврлар сони	Ҳаво ўтказувчанлиқ, см <sup>3</sup> /см <sup>2</sup> ·с	Сув ўтказувчанлиги сув устунига қаранг	Узилиш кучи, Н	
					Асос	Арқоқ
Намуна	326,95	32000	3,86	40	490	254
Антипирен суспензияси билан шимдирилган	496,0	37000	1,69	190	604	372

Тадқиқот ишида целлюлозали тўқимачилик материалларини шимдириш учун глицерин ва фосфор сақлаган вермикулит асосидаги антипирен суспензиялари таклиф қилинган. Физик-механик хоссаларини ўрганиш орқали материалларга иссиқлик ва оловбардошликни беришда антипиренларни қўллаш учун уларга қўйилган талабларга жавоб берадиган суспензиянинг оптимал таркиби аниқланди. Целлюлозали материалларни шимдиришда нафақат унинг оловбардошлиги яхшиланади, одамларнинг хавфсизлиги ва атроф-муҳит экологиясини яхшилашга олиб келадиган тутун ҳосил бўлиши ҳам камаяди.

“BAYDOST” МЧЖ ва СП ООО “КАРМЕНТА ЯН ТЕКС” МЧЖ ҚК нинг лаборатория шароитида “Целлюлоза материалларини шимдириш учун кўп атомли спирт, фосфор сақлаган бирикмалар, вермикулит асосидаги суспензияли антипиренлар олиш технологияси” мавзуси бўйича илмий-тадқиқот иши натижалари татбиқ этилишидан иқтисодий самара ҳисоблаб чиқилди ва у йилига 330,0 млн. сўмни ташкил этди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Целлюлоза сақлаган материалларни шимдириш учун антипирен суспензиясининг оптимал таркиби 8% вермикулит ва 22% ортофосфат кислота деб аниқланди.

2. Модифицирланган целлюлозали материалнинг ёнувчанлик даражаси келтирилган ва аланганинг тарқалиш тезлиги аниқланган; антипирен суспензияси юқори самарали оловбардошлиликга эгаллиги, материалнинг ёнувчанликдан қийин ёнувчанлиги бўйича I гуруҳга ўтиши кўрсатилган.

3. Тўқимачилик материалларини шимдириш учун фойдаланиладиган вермикулит ва фосфор асосидаги антипирен суспензиялари 65,6 м<sup>2</sup>/кг қийматли ўртача тутун ҳосил қилиувчи категорияга тегишлилиги келтирилган.

4. Дастлабки вермикулит билан қиёслаганда вермикулит билан ортофосфат кислота тартибида олинган намуналарининг ИҚ-спектри, рентген фазавий таҳлиллари кўрсатилди ва ўзгаришларда тўқимачилик материалларни шимдириш учун самарали суспензияли антипирен ҳосил бўлиши аниқланган.

5. Тўқимачилик материаллари фосфор ва вермикулит асосидаги антипиренли суспензия билан шимдирилганда оловбардошлиги кўрсатилди, атроф-муҳит муҳофазасини сақлашига ва ёнғин пайтидаги эвакуация вақтини узайтиришга келтиради.

6. Вермикулит асосида антипирен суспензияларини тайёрлаш ва шимдиришнинг такомиллаштирилган технологияси ишлаб чиқилди, вермикулитни геометрик кўрсаткичларини 50-100 мкм га келтирилди.

7. Целлюлозали тўқимачилик материалларини шимдириш учун олинган антипиренлар суспензиясининг ишлаб чиқаришда тажриба-ишлаб чиқариш синовлари ижобий натижалар берди.

8. Тажриба ишлаб чиқариш қурилмасида йилига 1350 тн. газлама ишлаб чиқарувчи корхонасида, целлюлозали материаллари наъмуналарининг иқтисодий самараси йилига 330,0 млн. сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.К/Т.66.02 ПРИ  
НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ  
ИНСТИТУТЕ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

**ХАЙДАРОВ ИСЛОМ НОРБОЙ УГЛИ**

**ПОЛУЧЕНИЕ СУСПЕНЗИОННЫХ АНТИПИРЕНОВ НА ОСНОВЕ  
ВЕРМИКУЛИТА, ФОСФОР СОДЕРЖАЩИХ СОЕДИНЕНИЙ И  
ИЗУЧЕНИЕ ИХ КОЛЛОИДНЫХ СВОЙСТВ**

**02.00.11- Коллоидная и мембранная химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент–2021**



Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.2.PHD/K128.

Диссертация выполнена в Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета в Информационно-образовательном портале «ZIYONET» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Исмаилов Ровшан Исраилович**  
доктор химических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Акбаров Хамдам Икромович**  
доктор химических наук, профессор

**Эшметов Иззат Дўсимбетович**  
доктор технических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Каршинский инженерно-экономический институт**

Защита состоится «06» августа 2021 г. в «10<sup>00</sup>» часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.K/T.66.02 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Косонсой, 7. (тел: (0569) 228-76-71, факс (0569) 228-76-75, E-mail: [nei\\_info@edu.uz](mailto:nei_info@edu.uz)).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института за № 0166 с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (160115, г. Наманган, ул. Косонсой, 7. (тел: (0569) 228-76-71, факс (0569) 228-76-75).

Автореферат диссертации разослан «23» июля 2021 года.  
(протокол рассылки № 2 от «23» июля 2021 года)



**О.К.Эргашев**

Председатель научного совета  
по присуждению ученой степени, д.х.н., доц.

**Д.Ш.Шеркўзиев**

Члениый секретарь научного совета  
по присуждению ученой степени, к.т.н., доц.

**И.Д.Эшметов**

Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученой степени, д.т.н., проф.



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время в мире одной из проблем коллоидной химии считается управление свойствами дисперсных систем и на этой основе ведутся научные исследования по созданию материалов с заданными параметрами. Во многих производственных отраслях, в том числе металлургии, нефти-газовой, энергетике, при этом пожаробезопасность работников обеспечивается созданием огнестойких материалов, обладающих специальными свойствами. Следовательно имеет большое значение улучшение термо-, огнестойких, физико-механических и эксплуатационных параметров в управление свойствами целлюлозо-содержащих материалов применяемые во многих предприятиях.

Во всем мире ведутся научные исследования по созданию технологий получения композиционных антипиренов в качестве огнестойких материалов. В связи с этим особое внимание уделяется установлению у антипиренов поверхностных сорбционных свойств, установлению оптимальных условий обогащения, определению эффективных модифицирующих реагентов, выявлению механизма пропитки различных текстильных изделий.

В Республике достигнуты ряд научных и практических результатов по использованию местного сырья и получению на их основе импортозамещающих новых видов продукции, достигнуты существенные результаты. Согласно третьему направлению Стратегии развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены приоритетные задачи по «производству высококачественной готовой продукции, в первую очередь, на основе глубокой переработки местного сырья, развития высокотехнологичного перерабатывающего производства»<sup>1</sup>. В этом плане, в частности важное значение приобретают разработки по получению антипиренов на основе местного вермикулита и их применение для получения материалов специального назначения текстильной промышленности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года « года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» и Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3236 от 23 августа 2017 года «О программе ускоренного развития химической промышленности на 2017-2021 годы», № ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», и ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и инвестиционной привлекательности

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 “О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы”

химической промышленности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике VII. «Химическая технология и нанотехнология».

**Степень изученности проблемы.** В настоящее время достаточно глубоко проработаны теоретические вопросы получения дисперсных систем, т.е. антипиренов для придания специальных свойств целлюлозным материалам, решением задач, проблем по получению огнестойких целлюлозных материалов, изучением их физико-химических, коллоидных свойств, а также улучшением огнестойкости занимались: Ma L., Su X., Feng J., Liu Y, Hanifi Binici, Abidi S., Rashad A.M., Dahiya J.B., Liang X., Zhu J., Wang Y., Horrocks A.R, Katovic D., Зубкова Н.С., Сабирзянова Р.Н., Балакин В.М., Борисов Р.Б., Зыбина О.А., Баратов А.Н., Фазуллина Р.Н., Константинова Н.Н., Ахтямов Р.Я., Аликин В.И., Бычкова Е.В и др.

В Узбекистане в области исследования управления дисперсных систем и создания технологии получения антипиренов, их композиции, которые в определенной степени позволили повысить огнестойкость материалов и расширить области их применения были исследованы ведущими учёными Ахмедов К.С., Хамраев С.С., Агзамходжаев А.А., Асқаров М.А., Джалилов А.Т., Ахмедов У.К., Арипов П.А., Исмоилов И.И., Самиғов Н.А., Саримсақов А.А., Андропова В.И., Усманов М.Х. и другие внесли весомый вклад в ее развитие.

